

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Исмаилов Алишер,

DSc, доцент, Тошкент Молия институти тадқиқотчиси, Тошкент Ўзбекистон

Email: alisher_bankir_595@mail.ru

PROBLEMS OF ELIMINATION OF LIQUIDITY OF COMMERCIAL BANKS AND WAYS TO ELIMINATE THEM

Ismailov Alisher,

DSc, docent, Researcher, Tashkent Financial Institute, Tashkent Uzbekistan

Email: alisher_bankir_595@mail.ru

JEL Classification: E,E5,E58

Аннотация Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш уларнинг молия бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитларга бўлган талабини қондиришининг зарурий шарти ҳисобланади. Бу эса, банкларнинг ликвидлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш имкониятларини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Айни вақтда, республикада тижорат банкларида баланслашмаган ликвидлик муаммосининг чуқурлашганлиги кузатилмоқда. Бу эса, банкларда трансформация рискининг чуқурлашиб кетганлиги ва муддати ўтган кредитлар миқдорининг катта эканлиги билан изоҳланади. Шу сабабли, баланслашмаган ликвидлик масаласи тижорат банкларида ликвидликни таъминлашнинг марказий масаласи ҳисобланади. Ўз навбатида, тижорат банкларининг активлари ҳажмида юқори ликвидли қимматли қозғошларга қилинган

инвестицияларнинг салмогини жуда кичик эканлиги ликвидликни таъминлаш амалиётига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг ликвидлигини баҳолашда иккита молиявий коэффициентдан – лаҳзали ликвидлик коэффициентида ва жорий ликвидлик коэффициентида фойдаланилмоқда. Мазкур коэффициентлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммолар кузатилмоқда:

1. Лаҳзали ликвидлик коэффициентида энг паст меъерий даражаси халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда 0,20 қилиб белгиланган эди, аммо, Марказий банк уни 0,10 га туширишга мажбур бўлди.

Лаҳзали ликвидлик коэффициентида меъерий даражасини кескин пасайтирилиши талаб қилиб олинган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмогининг юқори эканлиги ва банкларда баланслашмаган ликвидлик муаммосининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Ўз навбатида, лаҳзали ликвидлилик коэффиценти бўйича меъёрий даражанинг пасайтирилганлиги банкларнинг ликвидлигига салбий таъсир кўрсатадади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларига нисбатан ўрнатилган жорий ликвидлилик коэффицентининг энг паст меъёрий даражасини 0,30 қилиб ўрнатган (ушбу коэффицент Франция Марказий банкининг методикаси бўйича ҳисобланади). Аммо, халқаро амалиётда Франция Марказий банкининг методикаси бўйича ҳисобланадиган жорий ликвидлилик коэффицентининг энг паст меъёрий даражаси 1,0 ни ташиқил этади.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Abstract Ensuring the liquidity of commercial banks is a prerequisite for ensuring their competitiveness and meeting the needs of business entities. This necessitates the identification of problems associated with ensuring the liquidity of commercial banks and a scientific study of the possibility of solving these problems.

At the same time, in the commercial banks of the republic there is a deepening of the problem of unbalanced liquidity. And this is explained by the deepening of the risk of transformation and the large amount of overdue loans in banks. Therefore, the issue of unbalanced liquidity is the central issue of providing liquidity in commercial banks. In turn, the very low share of all investments in highly liquid securities in the volume of assets of commercial banks negatively affects the practice of providing liquidity.

The Central Bank of the Republic of Uzbekistan uses two financial ratios to assess the liquidity of commercial banks - the instant liquidity ratio and the current liquidity ratio. There are two problems associated with the use of these coefficients:

1. The minimum standard level of the instant liquidity ratio, based on world experience, was set at 0.20, but the Central Bank was forced to reduce it to 0.10.

A significant decrease in the normative level of the instant liquidity ratio is explained by the high level of the share of demand deposits in the volume of gross deposits and the presence of the problem of unbalanced liquidity in banks.

In turn, the decrease in the normative level of the instant liquidity ratio negatively affects the liquidity of commercial banks.

2. The Central Bank of Uzbekistan has set the standard level of the current liquidity ratio for commercial banks at the level of 0.30 (this ratio is calculated according to the methodology of the Central Bank of France). However, in world practice, the normative level of the current liquidity ratio, calculated according to the methodology of the Central Bank of France, is 1.0.

The article identifies the problems associated with ensuring the liquidity of commercial banks of the Republic of Uzbekistan and developed scientific proposals aimed at solving these problems.

Key words: commercial bank, liquidity, unbalanced liquidity, loan, reserve, security, deposit.

Калим сўзлар: тижорат банки, ликвидли актив, ликвидлилик, баланслашмаган ликвидлилик, кредит, захира, қимматли қозғоз, депозит.

Кириш. 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган [1]. Мазкур йўналишлар доирасида белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш банкларнинг ликвидлиги ва молиявий барқарорлиги сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Бироқ, ҳозирги даврда мамлакат тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар мавжуд. Тижорат банкларида баланслашмаган ликвидлилик муаммосининг мавжудлиги, кредит портфелининг сифат даражасини паст эканлиги, банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларини ривожланмаганлиги, талаб қилиб олинadиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг юқори эканлиги бу борадаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Материал ва метод. Ж. Синкиннинг фикрига кўра, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида федерал фондлар,

депозит сертификатлари амалга ошириладиган РЕПО битимлари муҳим ўрин тутди [2].

Ҳақиқатдан ҳам, тараққий этган мамлакатларда тижорат банкларининг жорий ликвидлиги, асосан, юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳисобидан таъминланади. Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари ва тижорат банкларининг депозит сертификатлари эса, юқори ликвидли қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Мишкиннинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда молиявий инновациялар муҳим ўрин тутди ва унинг ушбу хулосаси куйидаги далилга таянади: “1950 йилда уч ойлик хазина векселлари фоиз ставкаларининг тебраниши 1,0 фоиздан 3,5 фоизгача диапазонда, 1970 йилда 4,0 фоиздан 11,5 фоизгача, 1980 йилда 5,0 фоиздан 15,0 фоизгача бўлган диапазонни ташкил этди ва фоиз ставкаларининг бу кадар кучли тебраниши капитал қийматининг сезиларли даражада ошишига ёки камайишига олиб келди, инвестицияларнинг қайтиши борасидаги ноаниқлик кучайди” [3].

Т. Костериннинг фикрига кўра, тижорат банкларининг ликвидлиги билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг юзага келишида банклар мижозларининг ликвидлиги билан боғлиқ бўлган муаммолар асосий ролни ўйнайди [4].

Т. Костериннинг ушбу хулосаси муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки, республикада тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг асосий қисми кредит олган мижозларнинг молиявий аҳволини ёмонлаштириш натижасида юзага келган.

В. Усоскиннинг хулосасига кўра, трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш тижорат банкларининг ликвидлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради ва шу жиҳатдан олиб қараганда, АҚШда Гласс-Стиголл қонунига асосан 1933 йилда трансакцион депозитларга фоиз тўлашнинг таъқиқланиши тўғри тадбир бўлган [5].

Т. Осипенконинг фикрича, тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлик рискинн назорат қилишда асосий эътибор ликвидли позициянинг ҳисоб-китобига, банк активлари ва пасивлари таҳлиliga, олинган маълумотларни белгиланган лимитлар билан ва рискинн қоплаш учун мўлжалланган капиталнинг етарлилик даражаси билан солиштиришга қаратилиши лозим [6].

О.Йўлдошевнинг фикрига кўра, тижорат банкларининг ликвидлигини

т
а
ъ
м
и
н
л
а
ш
д
а

О.Саттаровнинг хулосасига кўра, Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

– тижорат банкларининг ликвидлиги ва капиталининг етарлигига нисбатан белгиланган

I
стандартининг етарли даражада захира ажратмалари билан таъминланмаган банк кредитларининг риск даражасини ошириш талабини (кредитнинг қайтариш

меъёрий талабларни такомиллаштириш лозим;

– банкларнинг корпоратив бошқарув тизимини, етакчи хорижий банклар ва молия институтларининг тажрибасини чуқур ўрганиш асосида, такомиллаштириш;

– жалб қилинадиган депозитларнинг фоиз ставкаларини қайта молиялаш ставкаси ва бошқа макроиктисодий кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда ўрнатиш тизимини ишлаб чиқиш;

– депозит операцияларига нисбатан норматив талабларни такомиллаштириш, аҳоли омонатларини жалб қилиш таркиби ва шартларин оптималлаштириш бўйича талабларни, банкларнинг барқарорлигига таъсир қилувчи эҳтимолий рискларнинг юзага келишини минималлаштириш мақсадида, такомиллаштириш;

– тижорат банкларининг ликвидлигига қўйиладиган меъёр ва талабларни ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш [8].

Натижалар. Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг ликвидлиги микро ва макро даражада тартибга солинади.

Тижорат банкларининг ликвидлиги микродаражада Банк бошқаруви ва Банк кенгаши томонидан тасдиқланадиган ички меъёрий ҳужжатлар орқали тартибга солинади. Мазкур меъёрий ҳужжатларда тижорат банкининг ликвидлигини баҳолаш ва бошқариш бўйича аниқ талаблар белгиланади ва уларнинг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланади.

Банкларнинг ликвидлиги макро даражада Марказий банк томонидан ўрнатилган пруденциал талаблар орқали тартибга солинса, микро даражада тижорат банкларининг ички меъёрий


хужжатларида белгиланган талаблар асосида тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солишда қуйидаги 4 молиявий коэффициент бўйича пруденциал талаблар жорий этилган:

- лаҳзали ликвидлик коэффициенти;
- жорий ликвидлик коэффициенти;
- ликвидликни қоплаш меъёри коэффициенти;
- соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти [9].

Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан ўрнатилган барча пруденциал меъёрлар директив мазмунга эга, яъни уларнинг талабларини бажарилиши банклар учун мажбурийдир. Агар тижорат банки ушбу меъёрларнинг талабини бажармаса, у ҳолда, мазкур ҳолат жиддий қоидабузарлик сифатида баҳоланади ва тижорат банки тегишли тартибда жаримага тортилади.

Тижорат банкларининг активлари таркибида юқори салмоқни эгаллаганлиги сабабли кредит портфелининг сифатидаги ўзгаришлар уларнинг ликвидлигига кучли салбий таъсир кўрсатади.



Расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи [10]

1-расм маълумотларидан кўринади, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси унинг умумэтироф этилган даражасидан (3,0%) сезиларли даражада юқори бўлган.

Ушбу ҳолатлар тижорат банкларининг ликвидлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради.

2021 йил 1 январь ҳолатига муаммоли кредитларнинг таркибида иқтисодиёт тармоқлари кесимида саноатнинг улуши 28 фоизни, савдо ва умумий оватланиш 13 фоизни, қишлоқ хўжалиги 11 фоизни, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш 8 фоизни, қурилиш 5 фоизни, транспорт ва коммуникация,

моддий ва техник таъминотни ривожлантириш 1 фоизни ҳамда бошқа соҳаларнинг улуши 32 фоизни ташкил этди [11].

Таъкидлаш жоизки, давлат дастурлари доирасида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдори катта бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги

П
Қ
-
3
2
7
0
-
с
о
н

назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади [12].

Тараққий этган мамлакатларда тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашда юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳал қилувчи ўрин тутади. Ўзбекистонда эса, банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операциялари ривожланмаган.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг салмоғи атиги 2,6 фоизни ташкил этди [13].

Тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашда уларнинг мажбуриятлари таркиби муҳим ўрин тутади.

жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари мажбуриятларининг таркиби,

Республика банк тизимида 2021 йилнинг 1 март ҳолатига [14]

ривожлантириш ва мажбуриятларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарорлар Молия вазирлиги давлат дастурлари доирасида берилган ва қўйма банкларнинг кредитлари - тижорат банкларнинг қайтарилган вазифасининг юқорилик қилиниши билан мажбуриятларнинг ликвидлилигини таъминлаш нуктаи-тикарилган қимматли қоғозлар	млрд. сўм	улуши, фоизда
Давлат қарздорлиги	113 114	36,9
Дастурлари доирасида берилган ва қўйма банкларнинг кредитлари - тижорат банкларнинг қайтарилган вазифасининг юқорилик қилиниши билан мажбуриятларнинг ликвидлилигини таъминлаш нуктаи-тикарилган қимматли қоғозлар	648	0,2
Қўйма банкларнинг кредитлари - тижорат банкларнинг қайтарилган вазифасининг юқорилик қилиниши билан мажбуриятларнинг ликвидлилигини таъминлаш нуктаи-тикарилган қимматли қоғозлар	13 327	4,3
Бошқа банкларнинг мажбуриятлари	3 060	1,0
Қўланган кредитлар ва лизинг операциялари	153 647	50,1
Ликвидлилигини таъминлаш нуктаи-тикарилган қимматли қоғозлар	9 562	3,1
Субординар қарзлар	4 027	1,3
Тўлангани лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	3 022	1,0
Бошқа мажбуриятлар	6 217	2,0
Мажбуриятлар – жами	306625	100,0

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг мажбуриятлари таркибида салмоғига кўра энг юқори ўринни олинган кредитлар ва лизинг эгаллайди. Бу эса, хорижий банклар ва халқаро молия институтларининг кредит линияларини республикамиз банклари

орқали катта ҳажмда жалб қилинаётганлиги билан белгиланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республика тижорат банклари мажбуриятлари ҳажмида депозитлар юқори салмоқни эгаллайди.

Эътироф этиш жоизки, тижорат банклари депозитларининг умумий

ҳажмида талаб қилиб олинган депозитларнинг салмоғини юқори эканлиги уларнинг ликвидлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради [15].

Мунозара. Ҳозирги даврда Марказий банк томонидан тижорат банкларининг хорижий валютадаги муддатли депозитларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкасининг юқори эканлиги банкларнинг хорижий валютадаги муддатли депозит ҳисоб рақамларига маблағлар жалб қилиш имкониятини чеклаб қўймоқда.

Шунингдек, республикамизнинг йирик тижорат банкларида соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминланмаганлиги улар томонидан муомалага чиқарилаётган депозит ва жамғарма сертификатларининг фоиз ставкаларини ошириш имконини бермайди. Масалан, 2020 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, соф фоизли маржа кўрсаткичининг даражаси ТИФ Миллий банкида 3,3 фоизни ташкил қилди [17].

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банкларининг кредит портфелини сифат даражасини ошириш йўли билан уларнинг ликвидлигига нисбатан юзага келган салбий таъсирга барҳам бериш мақсадида, биринчидан, кредит рискни бошқариш амалиётини такомиллаштириш йўли билан кредитларнинг даромадлилиги ва рисклиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим; иккинчидан, ташқи иқтисодий конъюнктуранинг ёмонлашиши натижасида муддатида

қайтмаган валютавий кредитларнинг бир қисмини давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан субсидиялашни жорий қилиш зарур; учинчидан, тижорат банклари активларининг ҳажмида кредитлар билан юқори ликвидли активлар ўртасидаги нисбатнинг оптимал даражасини таъминлаш керак.

Тараққий этган мамлакатлар банк амалиётини ўрганиш натижалари кўрсатадики, тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг салмоғи 8-11 фоизни ташкил этгани ҳолда, кредитларнинг активлар ҳажмидаги салмоғи 65 фоиздан ошмайди. Масалан, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Бэнк оф Америкада (АҚШ) юқори ликвидли қимматли қоғозларнинг активлар ҳажмидаги улуши 10,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, кредитларнинг салмоғи 32,9 фоизни ташкил қилди [16].

2. Тижорат банклари мажбурияларининг таркибини оптималлаштириш учун тижорат банкларининг муддатли депозитлари ва қимматли қоғозларининг мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғини ошириш ва бошқа банклардан олинган кредитларнинг мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш мақсадида, биринчидан, тижорат банкларининг хорижий валюталардаги муддатли депозитларига нисбатан Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий захира ставкасини (14 %) миллий валютадаги муддатли депозитларга нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкаси (4%) даражасига тушириш керак; иккинчидан, соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш йўли билан банкнинг депозит ва жамғарма

сертификатларига тўланадиган
фоизларнинг ставкаларини ошириш
лозим.

Хулоса. Илмий тадқиқотни
амалга ошириш жараёнида қуйидаги
хулосаларни шакллантирдик:

– Марказий банк томонидан
иқтисодий мейёрлар орқали амалга
ошириладиган масофавий назорат
объекти ҳисобланади;

– 2019-2021 йилларда мамлакат
тижорат банклари томонидан берилган
кредитларнинг умумий ҳажмида
муаммоли кредитларнинг салмоғини
ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги ва
ушбу кўрсаткичнинг амалдаги
даражасини унинг умумэтироф этилган

даражасидан сезиларли даражада юқори
эканлиги тижорат банкларининг
ликвидлилигини таъминлаш нуқтаи-
назаридан салбий ҳолат ҳисобланади;

– республикамиз тижорат
банкларининг қимматли қоғозлар билан
амалга ошириладиган инвестицион
операцияларини ривожланмаганлиги
уларнинг ликвидлилигини таъминлаш
имкониятини оширишга тўсқинлик
қилади;

– тижорат банклари
мажбуриятларининг таркибини оптимал
эмаслиги тижорат банкларининг
ликвидлилигини таъминлаш нуқтаи-
назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.
2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 648.
3. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С.216.
4. Костерина, Т.М. Банковское дело: учебник для бакалавров / Т.М. Костерина. - М.: Юрайт, 2012. – С. 203.
5. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: Вазар-Ферро, 1994. – 320 с.
6. Осипенко Т.В. Построение комплексной системы управления банковскими рисками //Деньги и кредит. – 2004. – №3. – С. 33.
7. Йўлдошев О.А. Ўзбекистон Марказий банкининг тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 15 б.
8. Саттаров О.Б. Актуальные вопросы обеспечения устойчивости банковской системы Республики Узбекистан//Банковское дело, 2016. – №9. – С. 25.
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №32. – 141-152-б.



10. Банк тизими фаолияти кўрсаткичлари//www.cbu.uz.
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот//www.cbu.uz.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. www.lex.uz.
13. Банк тизими фаолияти кўрсаткичлари//www.cbu.uz.
14. Тижорат банкларининг жамланма баланси//www.cbu.uz.
15. Бердияров Б.Т Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 73 б.
16. Bank of America. Concolidated Balance Sheet. Annual Report. 2020. <http://www.bankofamerica.com>.
17. Молиявий ҳисобот. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот//www.nbu.uz